ҚУЛОҚЛАРНИ СИНФ СИФАТИДА ТУГАТИШ СИЁСАТИ ВА АМАЛИЙ МЕТОДЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ

В статье освещены вопросы политики сплошной коллективизации сельского хозяйства и раскулачивания, практики их проведения в республике на основе нормативно-правовых актов Центра.

The article enlightens the problems massive collectivizing policy of agriculture and practice of holding them in the republic on the basis of legal normative acts of the Centre.

Тарихшунослик фанида қулоқ қилиш, хусусан, сургун қилинган қулоқ оилалари тақдири масаласи тўла ва ҳар томонлама ўрганилмаган. Айрим тадқиқотчилар қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш асосидаги қулоқ қилиш жараёнини большевиклар раҳбариятининг қулоқларни жисмонан йўқ қилиш учун атайин амалга оширган сиёсати деб талқин қиладилар. Бундай талқин кўпроқ Ғарбий Европа ва Америка тадқиқотчилари: Э.Ганиш (ГФР), Л.Шапиро (Англия), М.Фейнсод (АҚШ) томонидан илгари сурилган бўлиб, улар совет қишлоғидаги "социалистик қайта қуриш" таҳлилида қатор ноаниқликларга йўл қўйганлар. Улардан бири қулоқларни эксплуататор қатлам бўлмаган деб ҳисобласа, бошқа бири камбағаллар билан қулоқлар ўртасида хеч қандай фарқ бўлмаган деб таъкидлаган, учинчиси эса, қулоқларни тугатиш фақат ОГПУ органлари томонидан амалга оширилди ва қулоқлар том маънода ўлимга маҳкум қилинди деб хулоса чиқарган [1.53].

Совет давлатининг "қулоқларни синф сифатида тугатиш" сиёсати моҳиятан уларни жисмонан йўқ қилишга қаратилмаган бўлиб, ёппасига коллективлаштириш йўлида асосий ғов ҳисобланган деҳқонларнинг бадавлат қатламини ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан мажбурий сиқиб чиқариш, уларни ижтимоий-маданий, мафкуравий жиҳатдан "қайта тарбиялаш" орқали социалистик қурилишга жалб этишга қаратилган эди. Сталин ва унинг тарафдорлари фақатгина "қулоқларнинг аксилинқилобий қисми"ни жисмонан йўқ қилишни ёқлаганлар. Партиянинг ғоявий-тарбиявий ишлари барча формалари таркибига қулоқлар дунёқарашида ҳақиқий инқилобий ўзгариш ясаш, "синфий душман", "эксплуататор" деган тушунчалардан холи, социалистик қурилишга чин дилдан берилган деҳқонлар қатламини яратиш ғояси сингдирилган эди. Қулоқларни синф сифатида тугатишнинг концепцияси шундан иборат бўлган. Лекин унинг сиёсати ва амалиёти ўртасида, кундалик ҳаётга татбиқ этиш борасида чуқур зиддиятлар мавжуд.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш – тарихий жараёнларни тезлаштиришга ва уни мажбуран ўтказишга қаратилган волюнтаристик сиёсат эди. У мамлакатни жадал саноатлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш бўйича сталинча субъектив метод эди. Партия раҳбарияти демократик тамойиллар ва социалистик қонун нормалари билан ҳисоблашмай, коллективлаштириш амалиётида маъмурий-репрессив чоралардан кенг фойдаланиб иш кўрди.

Расмий сиёсатга кўра, қулоқ хўжаликларини тугатиш ёппасига коллективлаштиришнинг таркибий ва ажралмас қисми бўлиб, у "йирик қулоқ ишлаб чиқариши колхоз ишлаб чиқариши учун моддий асос бўлиши" лозим эди [2.258]. Қулоқ қилишни коллектив хўжаликлар барча деҳқон хўжаликларининг 50 фоиздан кам бўлмаган қисмини қамраб олган жойларда ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-хўжалик жиҳатдан шарт-шароитлар яратиш асосида босқичма-босқич амалга ошириш лозим эди. Лекин амалда коллективлаштириш сиёсий кампанияга айлантирилди, қулоқ қилиш эса ҳарбий-репрессив операция тусини олди.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1929 йил ноябрь пленумида «Колхоз қурилиши якунлари ва навбатдаги вазифалар ҳақида»ги масала муҳокама қилинди ва Сталиннинг босими билан ёппасига коллективлаштиришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Уни амалга ошириш бўйича аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқиш учун 1929 йил 5 декабрда СССР Ер ишлари халқ комиссари Я.А.Яковлев бошчилигида комиссия тузилди. Бу комиссия ВКП(б) МКнинг "Коллективлаштириш суръати ва колхоз қурилишига давлат ёрдами тўғрисида" деб ном олган қарор лойиҳасини тайёрлади. Бу қарор лойиҳаси Сталин томонидан қилинган айрим тузатишлар билан 1930 йил 5 январда қабул қилинди. Қарорда коллективлаштириш муддатлари фақат икки гуруҳдаги ғаллакор районлар учун белгиланди: Шимолий Кавказ, Қуйи ва Ўрта Волга (1930 йил кузида); Украина, Марказий Қоратупроқ области, Сибир ва Қозоғистонда коллективлаштиришни 1931 йил кузида ёки 1932 йил баҳорида якунлаш белгиланди. Мамлакатнинг бошқа минтақалари учун коллективлаштиришни якунлаш муддати белгиланмади [3.53].

1930 йил 17 февралда Ўзбекистон ССР КП(б) Марказий Комитети "Коллективлаштириш ва қулоқларни тугатиш ҳақида" қарор қабул қилди, унда Ўзбекистонда 17 районни ёппасига коллективлаштириш белгиланган эди. Бироқ ўша пайтда республикада буни амалга ошириш учун зарур шарт-шароит мавжуд эмас эди. Республика партия ва совет органлари мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитларни, деҳқонлар кайфиятини, қишлоқларнинг тарихий-маданий менталитетини ҳисобга олмадилар. Аксинча, бу ерда ҳам колхоз қурилишида рақамлар ортидан қувиш авж олдирилди, коллективлаштиришни сунъий тезлатишга ҳаракат қилинди.

Коллективлаштириш суръатини кўтариш учун қишлоқларга минглаб партия-совет ходимлари юборилди. 1930 йил январь-февраль ойларида колхозлар сони мислсиз даражада

кўпайди. Областлар, округлар ва районлар ўртасида 100 фоизлик коллективлаштириш бўйича мусобақалар ташкил этилди. 1930 йил январь-февраль ойларида иттифоқ бўйича ёппасига коллективлаштириш районлари икки баробар ўсиб 1958 тага етди. Февраль ойи охирларида айрим ўлкалар ёппасига коллективлаштириш минтақаси деб эълон қилинди. Оқибат шу бўлдики, коллективлаштириш бўйича кимўзди мусобақалари, маҳаллий партия-совет раҳбарларининг ўзбошимчаликлари натижасида мамлакат раҳбарияти қишлоқдаги умумий вазият бўйича назоратни йўқотиб қўйди.

Қишлоқларда кескин вазият юзага келиб қолди. Фоизлар ортидан қувиш, карьеризм партия-давлат аппарати амалдорларининг маъмуриятчиликка муккасидан кетишига олиб келди. Бу эса маҳаллий халқнинг кескин норозилигини келтириб чиқарди.

ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича мухтор вакиллигининг 1930 йил 21 февралдаги махфий оператив ҳисоботида 16-21 февраль оралиғида Ўрта Осиёда, хусусан Фарғона округида бой-руҳонийлар қатламининг советларга қарши фаоллиги кескин ошгани, улар советларга ва коллективлаштиришга қарши деҳқонларнинг оммавий чиқишларини уюштираётганлиги маълум қилинган. Оператив ҳисоботда бундай оммавий норозиликларнинг келиб чиқишига асосий сабаб сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

1. Коллективлаштиришни ўтказаётган аппарат ўта заиф, райондаги ходимлардан биронтаси ҳам колхоз нима ва уни қандай ташкил этиш кераклиги ҳақида ҳеч нима билмайди.

2. Ёппасига коллективлаштиришга ўтиш ҳақидаги қарор районда маъмурий тарзда чиқарилган, қишлоқ оммасига эса тайёр қарор ўқиб берилган. Ваҳоланки, деҳқонлар фикри билан ҳисоблашилмаган.

3. Колхоз қурилиши бўйича тушунтириш ишларида деҳқонларга “колхозга кириш ҳамма учун мажбурий, колхозга кирмаганлар ер-сувдан маҳрум қилинади, зиммасига катта солиқ солинади ва Ўзбекистондан ташқарига сургун қилинади” деган дағдағалар қилинган.

4. Колхозларни ташкил этиш жараёнида ўртаҳол деҳқонлар ҳам бойлар тоифасига киритилган ва улар хўжалигида тинтувлар қилинган ва ҳоказо” [3.79-80].

Коллективлаштиришнинг бошланғич этапида унинг ижтимоий базасини деҳқонларнинг камбағал қисми ва батраклар ташкил этди. Коллективлаштиришни жадал амалга оширишда деҳқон хўжаликларининг асосий қисмини ташкил этувчи ўртаҳол хўжаликларни колхозларга жалб қилиш учун уларга нисбатан мажбурлаш ва маъмурий куч ишлатиш лозим деб ҳисобланди. Маҳаллий партия-совет ходимлари бу каби чораларни нафақат деҳқонларнинг бадавлат-ўртаҳол қатламига нисбатан, балки колхозга киришни хоҳламаган камбағал хўжаликларга нисбатан ҳам кенг қўллади. 1930 йил баҳорида бутун мамлакатда бўлганидек, Ўрта Осиё республикалари район ва қишлоқлари ўртасида юз фоизлик коллективлаштириш бўйича мусобақалар авж олди.

Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсатини кенг деҳқонлар оммаси хавотирлик билан қарши олди. Чунки у тарихий анъаналарга ва маҳаллий деҳқончилик хусусиятларига тамоман ёт бўлган янгилик эди. Маҳаллий деҳқонлар коллектив хўжаликни умуман тасаввур қила олмас эдилар, улар бу ҳақда тушунчага ҳам эга эмасдилар.

Юқори партия ва давлат раҳбарлари бу ҳолни кўргач, куч ишлатмасдан колхоз қурилиши масаласини ҳал қила олмасликларини тушуниб етдилар. Бунинг учун биринчи навбатда коллективлаштиришдаги асосий тўсиқ деб ҳисобланган “қулоқлар” қаршилигини синдириш, уларнинг сиёсий ва иқтисодий таъсирини йўқотиш керак эди.

Сталин қулоқ хўжаликларидан тамоман воз кечишга доир муносабатини “янги оппозиция” лидерлари Г.Е.Зиновьев, Л.Б.Каменевларга 1925 йилдаёқ айтиб ўтган эди. Лекин у пайтда НЭП гуллаб-яшнаётган даврда сиёсий ва иқтисодий вазият Сталин ва унинг шерикларига қулоқларни хонавайрон қилишга имкон бермаган эди. 1920 йиллар охирида Сталиннинг якка ҳукмронлиги ўрнатилган, мамлакатда иқтисодий буҳрон авж олган пайтда Сталин қулоқларга қарши кураш фикри билан банд эди. 1929 йилнинг декабрида Москвада марксчи-аграрчиларнинг бутуниттифоқ конференцияси чақирилди. Конференцияда Сталин “СССРнинг аграр сиёсати масаласи ҳақида” нутқи билан қатнашди. Ўз нутқида Сталин, қулоқ хўжаликларига нисбатан муносабат тубдан ўзгаргани, энди “қулоқларни чеклаш сиёсатидан синф сифатида тугатиш” сиёсатига ўтиш вақти келганини маълум қилди [4.218].

Ушбу конференциядан кейин бутун мамлакат вақтли матбуотида қулоқ хўжаликларига қарши кураш бошлашга даъват этувчи чақириқлар тўхтовсиз эълон қилина бошлади. Шу тариқа, совет даври тарихчилари талқин қилганидек қулоқлар совет ҳокимиятига эмас, балки совет ҳокимияти қулоқларга қарши уруш эълон қилди.

Я.А.Яковлев комиссияси таркибида К.Я.Бауман раҳбарлигидаги янги комиссия тузилиб, унинг зиммасига ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқларга қарши аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланади. Комиссия аъзоларидан айримлари қулоқ хўжаликларига қарши қатағон-жазо чораларини қўллаш, уларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда ишчи кучи сифатида фойдаланишни таклиф қилади, айримлар эса қулоқларни ҳам колхозларга аъзо қилишни ёқлаб чиқадилар.

Комиссия ичидаги бу хилдаги зиддиятлар боис, у “қулоқларни синф сифатида тугатиш” формаси ва усули ҳақида аниқ таклиф ишлаб чиқа олмади. ВКП(б) Марказий Комитети 1930 йил 15 январда В.М.Молотов бошчилигида 21 кишидан иборат махсус комиссия тузди ва бу комиссия қулоқ хўжаликларини тугатиш бўйича амалий методларни ишлаб чиқди. Комиссия таркибига Я.А.Яковлев, И.Д.Кабанов, И.В.Криленко, С.С.Одинцовлар кирган бўлиб, 16-23 январь оралиғида унинг таркибига мамлакатнинг асосий ўлкалари партия комитети котибларидан С.В.Косиор, М.М.Хатаевич, В.П.Шеболдаев, И.М.Варейкис, С.А.Бергавиновлар ҳам киритилди. Кўриниб турганидек, комиссия таркибига Ўрта Осиё республикалари партия комитети раҳбарларидан биронтаси ҳам киритилмаган.

Комиссия қулоқларнинг коллективлаштиришга қарши

уюшган қаршилик ҳаракати олдини олиш учун, уларнинг турли қатламларини тоифаларга бўлган ҳолда чора қўллаш таклифини илгари сурди. Биринчи тоифа – “аксилинқилобий фаол қулоқлар” бўлиб, уларни зудлик билан қамоққа олиш ва жазо лагерларига юбориш; иккинчи тоифа – “йирик қулоқ хўжаликлари” – уларнинг хўжалигини мусодара қилиб, оила аъзолари билан мамлакатнинг чекка районларига сургун қилиш; учинчи тоифа – “қолган барча қулоқлар” – улар мол-мулкини мусодара қилиб, яшаб турган районидан бошқа районларга, колхоз ерига кирмайдиган чекка ерларга кўчириш тавсия қилинди.

Комиссиянинг тахминий ҳисоб-китобига кўра, экспроприация қилинадиган қулоқ хўжаликлари ғаллакор районлар барча деҳқон хўжаликларининг 3-5 фоизини ташкил этиши лозим эди. Яъни, комиссия хулосасига кўра, ғаллакор районлардан жами 60 минг қулоқ хўжалиги биринчи тоифа бўйича, 150 минг хўжалик иккинчи тоифа бўйича тугатилиши лозим эди [5.313].

Жойлардаги вазиятни ўрганиб чиққан комиссия қулоқларни нисбатан қисқа муддат ичида тугатиш зарур деган хулосага келади. Тез орада ВКП(б) Марказий Комитетига “Ёппасига коллективлаштириш районларида қулоқ хўжаликларини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор лойиҳаси тақдим этилди. 1930 йилнинг 30 январида бу қарор лойиҳаси ВКП(б) МК Сиёсий бюроси томонидан тасдиқланди ва барча маҳаллий партия органларига телеграмма орқали етказилди.

Бу қарор асосида партия ва совет органларига ёппасига коллективлаштириш районларида зудлик билан қуйидаги тадбирларни ўтказиш тавсия қилинди:

а) қишлоқ хўжалигида ерни ижарага бериш ва ёлланма ишчи кучидан фойдаланиш тўғрисидаги амалдаги қонунни бекор қилиш; б) қулоқ хўжаликларидан ишлаб чиқариш воситаларини мусодара қилиш; в) йирик қулоқ хўжаликларини ёппасига коллективлаштириш районларидан сургун қилиш ва уларга тегишли мол-мулкни колхозларга бериш [3.313].

Қулоқ хўжаликларига нисбатан юзага келган янги сиёсат СССР Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Ижроия Комитетининг 1930 йил 1 февралдаги “Ёппасига коллективлаштириш районларида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш ва қулоқларга қарши кураш тадбирлари ҳақида”ги қарори билан қонунан мустаҳкамланди.

1930 йил 20 февралда ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг “Коллективлаштириш ва иқтисодий қолоқ миллий районларда қулоқларга қарши кураш тўғрисида” махфий қарори тасдиқланди. Унда иттифоқнинг миллий республикаларида ҳам худди ғаллакор районлардаги каби коллективлаштириш ҳаракатини авж олдириш, аммо бу масалада маҳаллий иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазиятни эътиборга олиш уқтирилган эди.

Қарорда миллий республикалардаги қулоқ-бой хўжаликлар масаласига алоҳида тўхтаб ўтилди. Унда ВКП(б) МКнинг 1930 йил 30 январдаги қарорига қўшимча сифатида қуйидаги тадбирлар белгиланди:

«а) аксилинқилобий фаол бой-қулоқлар (аксилинқилобий ташкилот аъзолари, бандитизм қатнашчилари ва ёрдамчилари) ни концлагерларга ташлаш ва уларга қатағоннинг энг олий туригача жазо тайинлаш (1-тоифа);

б) қолган қулоқ (бой) унсурларини ёппасига коллективлаштирилаётган райондан ташқарига – чегарадан узоқ бўлган ўзлаштирилмаган ерларга (миллий республика ичида) кўчириш (2 ва 3-тоифа)» [3;69-71].

Қарорда миллий республикалардаги ёппасига коллективлаштириш районларида қуйида белгиланган миқдордаги қулоқ фаолларини (1-тоифа) 15 мартга қадар концлагерларга юбориш ОГПУга топширилди.

1. Доғистондан – 350; 2. Ўрта Осиёдан – 1300; жумладан, Ўзбекистондан – 100, Туркманистондан – 200, Қирғизистондан – 100; 3. Кавказортидан – 1200, жумладан Грузиядан – 500, Озарбайжондан – 500, Арманистондан – 200; 4. Бурят-Монголиядан – 100 [3.71].

Бу қонуний ҳужжат асосида деҳқон хўжаликларини экспроприация қилишда қулоқ хўжаликларининг мол-мулки мусодара қилинганидан кейин уларни сайлов ҳуқуқидан ҳам маҳрум этиш қўшимча тадбир сифатида жорий этилди. Энг муҳими, қулоқларга қарши курашда чора-тадбирлар кўриш ҳуқуқи ўлка ва область (округ) ижроия комитетлари ихтиёрига берилди. Қулоқ қилиш бўйича амалий ишларни олиб бориш учун ўлка, област ва районларда, шунингдек, қишлоқ советларида қулоқ хўжаликларини аниқлаш, тоифаларга ажратиш ва сургун қилинадиган оилалар рўйхатини тузиш билан шуғулланувчи махсус комиссиялар ташкил этилди. Бу комиссиялар фаолиятида ҳаддан ташқари зўравонлик ва қонунбузарликлар юз бердики, пировардида қулоқ сифатида рўйхатга олинган, хўжаликлари тугатилган ва сургун қилиб юборилган оилалар қаторида ўртаҳол, ҳатто камбағал хўжаликлар кўпчиликни ташкил қилди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Сидоров В.А. Мероприятия по трудовому перевоспитанию бывших кулаков. // Вопросы истории.– 1964.- № 11.

2. Коллективизация сельского хозяйства. Важнейшие постановления Коммунистической партии и советского правительства. 1927-1935. – М., 1957.

3. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. В 3-х томах. / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. Т. 1. – Т.: Шарк, 2006.

4. История Советского крестьянства и колхозного строительства в СССР. – М., 1963.

5. Трифонов И.Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. – М.: Политиздат, 1975.

Андижон давлат университети
2010 йил 16 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Б.Расулов)